ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЕРЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ХОЛАТИ

Р Е Ж А:

1.Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ҳуқуқий холатининг умумий тавсифи
2.Бозор иктисодиети шароитида кишлок хўжалиги мўлжалланган ерлардан оқилона фойдаланишни таъминлаш.
3.Кишлок хўжалик корхоналари, ташқилотлари, муассасаларининг ерга эга қилиш ва ердан фойдаланиш ҳуқуқлари.
4.Кишлок хўжалик корхоналари, ташқилотлари, муассасаларининг ерга эга қилиш ва ердан фойдаланиш ҳуқуқлари субьеклари.
5.Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланувчилар

нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

Ўзбекистон Республикаси Ер фонди таркибида қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлар мустақил тоифани ташқил этади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида улар алохида ахамият га эга бўлиб, асосий восита сифатида харакат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 43-моддасига кўра, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар деб "Қишлоқ хўжалиги эхтиежлари учун бериб қўйилган ёки ана шу мақсадлар учун белгиланган ерлар тушунилади". Ерларни мақсадли белгилаш, яъни уларни яроқлилиги даражасидан келиб чиқиб фойдаланиш хўжаликлараро хам да ички хўжалик ер тузиш лойихалари натижаларига кўра белгиланади. Шундай қилиб, бу лойихалар хўжаликларга маълум қисм ерлардан қишлоқ хўжалик мақсадларида фойдаланиш имкониятини беради.

Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерларнинг умумий хусусияти шундан иборатки, бу ерлар қишлоқ хўжалигида асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлиб хисобланади. Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 1-моддасида ер умуммиллий бойлик, Ўзбекистон Республикаси халқи хаети, фаолияти ва фаровонлигининг асоси сифатида ундан оқилона фойдаланиш зарур ва у давлат томонидан мухофаза қилинади деб таъкидлангандир. Қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланиш кўзда тутилган барча ерлар, халқ хўжалигини қишлоқ хўжалиги махсулотларига тобора ўсиб бораётган эхтиежларини қондириш мақсадида ер ислохати ва қишлоқ хўжалиги ислохати талабларига мувофиқ қишлоқ хўжалиги юритиш фаолияти билан шуғулланувчилар томонидан фойдаланилади.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар аввало, қишлоқ хўжалиги корхоналарига берилади. Ўзбекистон Республикаси Ер Кодексида белгиланишича, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар қишлоқ хўжалигини юритиш учун зарур бўлган қишлоқ хўжалиги ерлари ва дарахтзорлар, ички хўжалик йўллари, коммуникациялар, ўрмонлар, ёпиқ сув хавзалари, бинолар, иморатлар ва иншоотлар эгалланган ерларга ажралади (43-модда). Шунингдек хайдаладиган ерлар, ничанзорлар, яйловлар, ташландиқ ерлар, кўп йиллик дов-дарахтлар (боѓлар, токзорлар, тутзорлар, мевали дарахт кучатзорлари, мевазорлар ва бошқалар) эгаллаган ерлар хам қишлоқ хўжалиги ерлари жумласига киради.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ичида суғориладиган ерлар мухим ўринни эгаллайди. Суғориш учун яроқли бўлган, сув ресурслари шу ерларни суғоришни таъминлай оладиган суғориш манбаи билан боғланган доимий ёки мувақкат суғориш тармоғига ерлар жумласига киради.

Ер участкаларидан фойдаланиш мақсадига қараб қишлоқ хўжалик корхоналари ерлари товар қишлоқ хўжалиги махсулоти етиштиришга мўлжалланган хамда қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерларга (уй-жойлар, бинолар, иншоотлар, йўллар ва х.к..) бўлинади. Сув билан таъминланганлик даражасига қараб қишлоқ хўжалиги корхоналари ерлари суғориладиган эга бўлган ерлар суғориладиган ерлар хам да лалми ерлари тоифаларига бўлинади. Юқоридагилардан ташқари, қишлоқ хўжалик корхоналарнинг ерлари хўжалик юритиш шаклига қараб жамоа фонди ерлари ва дехкон хўжалиги юритиш учун ажратилган ерлар тоифаларига бўлинади.